



Gazeta  
1991-yil  
21-martdan  
chiqa boshlagan

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 22-oktabr, seshanba № 129 (3322)

### Ишбилармонлик индекси

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Иқтисодий тадқиқотлар маркази ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон бизнес форуми» лойиҳаси томонидан «Ўзбекистонда ишбилармонликнинг фаоллиги ва муҳити индекслари» мавзусида брифинг ўтказилди. Тадбир доирасида 2013 йилнинг учинчи чораги бўйича бизнес-сўров натижалари ва тўртинчи чораги бўйича прогнозлар эълон қилинди.

даражасида қолганини маълум қилган. Иккинчидан, бу кўпчилик корхоналаридаги иш ҳақи миқдори ўсиши, учинчидан, қулай ишбилармонлик муҳити — ИМИ кўрсаткичи 30,7 даражани ташкил этган. Бундан ташқари, сўров иштирокчилари томонидан энг қулай шарт-шароитлар қаторида

### Ислохотлар самараси



**Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш, аҳоли саломатлиги, айниқса, оналик ва болаликни муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада амалга оширилган кенг қўламли ишлар туфайли тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базиси ҳам мустаҳкамланаётир.**

## Эл соғлиги — жамият бойлиги

— Вилоятда 360 давлат тасарруфига тиббиёт муассасаси фаолият кўрсатмоқда, — дейди Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Незматулла Қирғизбоев. — Уларнинг бири ва иншоотларини ташкирлаш, реконструкция қилиш, янгиларини қуриш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида Наманган, Тўрақўрғон, Минбулоқ, Поп, Уйчи, Учқўрғон, Чуст, Чортқот, Норин, Косонсой, Янгиқўрғон туманлари тиббиёт бирлашмалари ҳамда туман кўп тармоқли марказий поликлиникалари, шунингдек, Наманган шаҳридаги 11 оилавий поликлиника мукаммал таъмирдан чиқарилди. Обод турмуш йилида вилоятдаги 6 та даволаш-профилактика муассасасини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, айни пайтда бу ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Даволаш-профилактика ишларининг сифати ва самарадорлигини оширишда соҳага илғор технологияларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Республика шoshiлини тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган. Бу аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиш, касалликларни эрта аниқлаш ва аниқ ташхис қилишга муҳим омили бўлмоқда. Марказда даволаш-профилактика амалиётларини қўлаш имконияти ҳам ортмоқда. Утган даврда бу борада юздан зиёд янги диагностика ва даволаш усуллари амалиётга татбиқ этилди.

**А. САТТОРОВ,**  
ЎЗА мухбири.

**Суратларда:** Республика шoshiлини тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали ходими Зулхумор Эргашова; (чапдан) шифокорлар Баҳодир Солиев ва Акмал Жалилов.

**Хотам МАМАДАЛИЕВ**  
(ЎЗА) олган суратлар

# Тадбиркорликка қулай муҳит

Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яратиш ва уни изчил тақомиллаштириш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. Тадбиркорлик фаолияти учун янада кенг эркинлик бериш, руҳнат бериш ва лицензиялаш тартибини, статистик, солиққа оид ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиш механизмининг изчил тақомиллаштириш, турли расмийчиликларни бартараф этиш мамлакатимизда бизнесни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

ва хизматлар соҳаси каби тармоқларида фаолият юритаётган корхоналар раҳбарлари ўртасида ўтказилган сўров натижалари бўйича ҳисоблаб чиқилди. Корхона фаолиятининг бугунги аҳоли ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўровномада фикр билдириш, ундаги ишбилармонлик муҳитини баҳолаш, юзага келаяётган муаммолар моҳиятини баён қилиш тақлиф қилинади.

Сўровномада қатнашган раҳбарларнинг жавоблари мутахассислар томонидан баҳолаб борилди ва натижада, -100 дан +100 гача индекс кўрсаткичлари баҳолаш тизимини шакллантирилади. Агар индекс нолга тенг бўлса, ҳозирги ҳолат аввалги чоракка нисбатан ўзгармаганини, нолдан ошган бўлса, яшилганганини, нолдан кам бўлса, ёмонлашганини аниқлатади. Иқтисодий тадқиқотлар марказининг лойиҳа мувофиқлаштирувчиси Орзимурод Ғайбуллаевнинг қайд этишича, шу йилнинг учинчи чорагида мамлакатимизда ишбилармонлик фаоллиги индекси сўнгги 2,5 йил давомида энг юқори кўрсаткичга эга бўлди ва 32,8 даражани ташкил этди. Бунга бир неча омиллар ёрдамида эришилди. Биринчидан, ишлаб чиқарилган маҳсулотга ички талабнинг ошishi: сўровда иштирок этган раҳбарларнинг 94,5 фоизи бу даврда янги буюртмалар қабул қилинган ёки буюртмалар ҳажми ўтган давр

солиқ имтиёзлари ва солиқ ҳисобларини тақдим этиш шартлари, назорат қилувчи органларнинг уларга нисбатан муносабати, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имконияти ва бошқалар қайд қилинган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, юқори талаб ҳисобига даромадлар ҳажми ошгани тадбиркорлар томонидан берилган юқори баҳонинг асосини ташкил қилади. Бу эса, ўз навбатида, ишчиларга тўланадиган иш ҳақи миқдорининг ошishi ва янги иш ўринлари яратилишига кўмаклашади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда корхоналарга ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини бераётган қулай бизнес муҳити шаклланишидан далолат беради.

Айниқса, Жиззах, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри корхоналари энг юқори даражада ишбилармонлик фаоллигини намойиш этганини таъкидлаш керак. ИФИ билан қамраб олинган иқтисодийнинг олти тармоғи орасида транспорт ва алоқа, савдо ва умумий овқатланиш, шунингдек, саноат тармоқларининг етакчи экани маълум бўлди.

Брифингга мутахассислар жорий йилнинг тўртинчи чораги бўйича прогноз кўрсаткичлар юзасидан ўз фикрини билдириш ва журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

**Сардор ТОҶИЕВ,**  
ЎЗА мухбири

### «Саломатлик поезди»

Бугунги кунда ўсиб келаятган ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва интеллектуал етух шахс этиб тарбиялаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига тиббий хизмат кўрсатишга давлат миқёсида эътибор қаратилаётир. Бу каби ғамхўрликни юртимизнинг барча ҳудудларида кўриш мумкин.

## Шифокорлар Қорақалпоғистонга жўнаб кетишди

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикасининг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи, айниқса, эҳтиёжманд оилаларга инсонпарварлик ёрдамларини етказиб бериш мақсадида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК ҳамкорлигида Оролбўйи аҳолиси учун «Саломатлик поезди» ташкил этилди.

Кеча пойтахтимиздаги Шимолий темир йўл вокзалидан навбатдаги «Саломатлик поезди» жўнаб кетди. Хайрия тадбиринанг қўланган асосий мақсад экологик нуқуллай шaroитда, чекка қишлоқларда ашаётган аҳолининг, жумладан, аёллар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий-ижтимоий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш ҳамда малакали шифокорлар томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг қатор туманларидаги Мурувват, Мехрибонлик, Саховат уйлари, шифохоналар, турғуқажмуалари, махсус мактаб-интернатларда тиббий кўриқ ташкил этишдир. Бундан ташқари, аҳоли ва даволаш профилактика муассасаларига озик-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва тиббиёт анжомлари, санитария-гигиена воситаларидан иборат мурувват ёрдами етказиб бериш қўзда тутилган.

Хайрия акцияси «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, «Nestle-Uzbekistan» қўша корхонаси, «Rasulov G.I.» МЧЖ, «Агробиокимб» ва бир қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

**Нарзулла МАҲАМОВ,**  
«Ishonch» мухбири

### Обуна — 2014

Сурхон аҳли самимий ва меҳнатсевар. Шундай ажойиб инсонларга олқашош бўлиш, шубҳасиз, шарафли иш. Касаба уюшма фаоллари билан учрашганимизда, улар бу маъсул ятти юшмини амалга оширишда нималарга аҳамият қаратиш лозимлиги, олиб борилаётган ишлар, шу баробарида, газетамиз ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Жумладан, касаба уюшмалари тизимини намунали туман ҳисобланган Кумқўрғон туманида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Абдурауф Чўлибоев фаолиятига ҳавасимиз келди. Касаба уюшма етакчиси хонасига келгунга қадар жараёнда оид стендлар, меҳнат муҳофазаси акс эттирилган кўргазмалар билан таништириб борди. Хонага кирганимизда гувоҳ бўлдикки, бу ерда касаба уюшма фаолияти учун барча шароит яратилган. Ҳужжатлар тартиб билан жойлаштирилган. Касаба уюшма фаолиятига оид, жумладан, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари акс этган фотоалбом орқали уларнинг юқори савияда ташкил этилганини аниқлаш мумкин.

Ешлар билан ишлаш ҳам кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Уларни қўлаб-қувватлаш, янги келган ёш ходимларга кўмак бериш, ватанпарварлик, миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар ўз самарасини бериши шубҳасиз. Соҳа вакиллари билан суҳбатлашганимизда, улар касаба уюшмаси фаолиятдан мам-

чамиз учун манфаатли. Шўрчи иқтисодий касб-хунар коллежиди бўлганимизда, яна бир қувонарли ҳодисага дуч келдик. Бу ерда бошқа ўқув муассасаларида учрамайдиган жиҳат: жажжи археология музейи бор экан. Далварзинтепа ёдгорлигидан топирилган турли буюмлар киши эътиборини тортади. Ассан сополдан ясалган қўза, лаган, пилёла ва бошқа турдаги буюмлар ажодларимизнинг зақосидан, меҳнатсеварлигидан дарақ беради. Бундан ташқари,

хифаларида маданий-маърифий мавзудаги миллий қадриятларимиз акс этган материаллар янада мунтазамлик касб этса, нашр ранг-баранглиги ошарди. «Сурхонозиқ-овқат саноати» ОАЖда ходимларни қўлаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан ҳам танишдик. Бу ерда ишловчиларга муносиб меҳнат шaroити яратиб берилган. Айниқса, фаолият довомида бошқаларга ўрнак бўлаётган ҳамда эҳтиёжманд ходимларни рағбатлантириш ҳам маъмурият ва касаба уюшмасининг эътиборида экани тахсинга лойиқ.

## Фаоллар ҳузурида

— Жамоа шартномаси асосида ходимларга тегишли даражада иш шaroити яратишга, уларнинг ёш вақтини мазмунли ташкил этишга ҳаракат қилаёмиш. Фаолиятимиз самарадорлигини оширишда «Ishonch» газетасида чоп этилган намунали бошланғичлар иш тажрибасидан унумли фойдаланаямиш. Уйлаймиш, меҳнат муҳофазаси ва ҳуқуқий мавзудаги мақолалар сони ва қўламига кенгроқ ўрин берилса, мақсадга мувофиқ бўларди, — дейди корхона касаба уюшма кўмитаси раиси Аҳмад Ниёзов.

Воҳода яна қўлгина касаба уюшма ташкилотларида бўлганимизда газета ҳақида илиқ фикрлар билдирилиб, айни пайтда нашр мазмун-мундариҳасини бойитиш борасида қатор тақлифлар ўртага ташланди. Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири

### САМАРҚАНД

«Асл Нафис» чиннисозлик корхонаси ўз фаолиятини тақомиллаштириб келмоқда. «Алоқабанк» вилот бошқармаси молиявий қўмағида корхона Франциянинг «Сериков» компанияси ускуналари билан қайта жиҳозланди.

### «АСЛ НАФИС» ЧИННИЛАРИ

Модернизация шарофати боис корхонада йилга 600 минг дон чинни буюмлари ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш йўлидаги изланишлар тўхтаб қолгани йўқ. Айни чоғда хитойлик соҳа мутахассислари билан янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш режалаштирилмоқда. Амалий алоқалар натижасида чинни ишлаб чиқариш миқдорини йилга бир миллион донга етказиш мўлжалланаётир.

Мамлакатимизда ёшлар учун барча шароит яратилган. Айниқса, ишбилармон, қобилиятли, уддабасорлар қизгин қўлаб-қувватлаб келинмоқда.

### КРЕДИТ ЭВАЗИГА

Тойлоқ туманидаги педагогика касб-хунар коллежини бу йил 712 нафар ёш тақомилланди. Уларнинг 57 нафари тадбиркорликни танлашди. Барчасининг «бизнес лойиҳаси» тижорат банклари томонидан молиялаштирилди. Мастура Бозорова ана шу ёшларнинг бири. У «Микрокредитбанк»нинг 3 миллионлик кредити эвазига ўз корхонасини ташкил этди. Тикувчиликка ихтисослашган мазукур чехда уч нафар тенгдоши билан маҳсулот ишлаб чиқариши бошлаб юборди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

### НАВОИЙ

Навбахор туманида ҳам замонавий уйлар қад кўтариб, ҳудуд хуснига кўрк бахш этаётир. «Янги йўл» қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган «Шўртена» массивида 2011 йилда 15 та намунавий уй қурилиб, эгаларига топширилган эди.

### УЙЛАР МУБОРАК!

Жорий йилнинг сентябр ойидан бошлаб яна 15 та хонадон шундай турар жойга кўчиб кирмоқда.

Ховлилар, кўчалар ободонлаштирилиб, аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш шохобалари ташкил этилаётир.

**Мансур АЛОВУДИНОВ,**  
«Ishonch» мухбири

### БУХОРО

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг бир гуруҳ вакиллари ҳудуддаги харбий қисмда бўлиб, ватан ҳимоячиларининг шарт-шароитлари билан танишди. «Қадр-қимматин, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида харбий қисм аскарлари ўртасида «Ўзбекистоннинг ўғлонлари» кўрик-танлови ўтказилди. Тадбирда Ватан ҳимоячиларининг «Қўрғон» аскарлари ва «Остона» сержантлар жамоалари ўзаро куч синашди. Тайловда «Қўрғон» жамоаси голибликка эришди.

### ЎЗБЕГИМ ЎҒЛОНЛАРИ

Тадбир довомида вилоят «Ўзбекнаво» халқ бадийи жамоаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Бухоро шаҳар ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли «Камолот» марказий маданият уйи, «Афанди ШАЙ» кизикчилар театр студияси гуруҳи санъаткорлари ўзларининг ранг-баранг концерт дастурлари билан иштирок этди. Голиб жамоалар ва фаол иштирокчиларга касаба уюшмасининг эсдалик совғалари топширилди.

Бехўаджон РОЗИКОВ, Вилот касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси етакчи мутахассиси

ЁШЛАР — МУСТАҚИЛЛИК БАРДАВОМЛИГИ КАФОЛАТИ

Фестивал

2011 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан республика-миздаги ўқув муассасалари қошида «Ораста қизлар» тўғрақлари ташкил этилди.

Ораста қизлар

Ўзбекистон Давлат консерваториясида академик лицей ҳамда касб-хўнар коллежлари ўқувчи қизлари ўртасида бўлиб ўтган «Ораста қизлар» республика фестивалида ушбу йўналишдаги ишлар самараси кўзга ташланди.

Республикаси Бош вазирининг уринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова очди.

Яқиний натижага қўра, 1-ўрин Тошкент шаҳри, 2-ўрин Сирдарё вилояти, 3-ўрин Навоий вилояти жомоаларига насиб этди.



Тадбир талаба қизларини умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак инсоний фазилятлар, инсонпарварлик, ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини маънавий, ғоявий ва ахборот таҳдидларидан ишончли ҳимоя қилиш, диний ақидапарастлик, миссионерлик ҳаракатлари таъсирига тушиб қолишдан сақлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва уларнинг ҳаётга фаол муносабатини шакллантиришга қаратилган.

2013 йил — Обод турмуш йили

Чироқчи туманида Чувуллоқ деган қишлоқ бор. Одамлари уста деҳқон, табдиркор, чорвадор... Эртаю-кеч меҳнат қилиб, бахтин излашар, бесамар ўтмас ҳеч кунни, доvon кўзлашар. Бирлашганда, ҳавас қилдим, бир мушт бўлади, йигитлари элим дебон кўп иш қилади...

Марди майдонлар ўзингдан чиққанига не етсин!

Чувуллоқни қоқ иккига бўлиб, оқиб ўтар Кумдарё тўлиб. Айни қиш ва баҳор ойлари, ёмғир-қордан тўлар сойлари. Тўй қилинса, бўлса таъзия, қийин эди ёшу-қарига... Утар қунлар, ўтади ой, йил, Кумдарёга чора излар эл. Қанийди, бир кўприк бўлсайди...

Ушбу ният бу йил ушалди... Обод турмуш йилида юқоридаги муаммо ўз ечимини топди, — деди Чувуллоқ МФЙ раиси Ниёзмурод Умбаров.

Прораб Норкуват Қурбанов, иш юритувчи Рустам Тўрақулов ҳамда эл юқини елкасига олган саховатпеша 50 нафар йигит, жумладан, Алишер Абдурахмонов, Алишер Тўрақулов, Зокир Жовлиев, Шерали Рўзиев, Алимардон Худойқулов, Шодиёр Хуррамов, Салим Элиев, Сайфулла Раҳматов, Отабек Ботиров, Холик Жуманов ва бошқалар қишлоқ аҳли учун ажойиб тўхфа ҳозирлашди.

Кувонарлиси, ёшларнинг ғайратидан руҳланган қишлоқ аҳли Кумдарё дарёси устидан иккинчи кўприкни ҳам қуриб битказишди. Раҳимиддин Норкулов, Берди Бўриев, Хурсандмурод Бўриев каби фаоллар ташаббуси эл томонидан қувватланиб, 100-мактаб яқинида узунлиги 80 метр бўлган автомобил ва йўловчиларга мўлжалланган кўприк барпо этилди.

Биз Ниёзмурод ака билан қишлоқни айландик. Одамларидеги бирдамлик, бир-бирига бўлган меҳр-оқибатдан кўнгилмизда баҳор барг ёзди.

Ниёзмуроднинг маҳалла йиғинига раисликка сайланганига бир йил бўлди, — деди 75 ёшли отахон Холбой бобо Абдурахмонов. — Қисқа вақтда қишлоғимизда кўпгина хайрли ишлар қилинди. Кўприклар қурилди, йўللار созланди. Айни пайтда раисимиз ўз ҳисобидан маҳалла идораси қурдирапти.

Сизга яна бир гапни айтмай. Яқинда қишлоғимиздаги 100-ўрта умумтаълим мактабига Халқ таълими вазирлиги, Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси ва Чироқчи туман халқ таълими бўлими мутасаддилари келишганди. Меҳмонлар у ердаги ободлаштириш ишлари, таълим-тарбия жараёнига юқори баҳо беришди.

Чувуллоқда эл фаровон, ёшлар ҳам шиддатли. Эл дуосин олайин, деб қалби некбин ниятли. Кўринг, ҳавас қилинг, андаза олинг. Қайси киши элин ўйлар, ўтган кунни зийнатли...

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Хўнаромандлар эъзозда

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқ амалий санъати ва хўнаромандчилигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Хўнароманд» уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ўз таркибига икки юзга яқин хўнаромандни бирлаштиради. Улар орасида ёшлар, хусусан, қизлар кўпчилигини ташкил этади.

Бу ерда ёшлар, асосан, миллий каштачилик сирларини кўнгил билан ўрганади, — дейди «Хўнароманд» уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси раҳбари Норгул Нағметова.

«Эҳтиром» нишони соҳиблари



Биз касабга уюшма фаоллари аъзоларимиз манфаати асло лоқайд қарамаслигимиз керак, — дейди у. Айниқса, касабга уюшмаси етакчисининг бу жараёни четдан кузатишга ҳаққи йўқ. Бунинг учун маънавият соҳасида бўшлиқ қолдирмаслик керак. Ёшлар қалбиде ўз юртидан фахрлини, ватанпарварлик, буюк аجدодларга ворислик туйғуларини кучайтириш зарур.

Истараси иссиқ, юзу кўзидан нур ёғилиб турган бу аёлни Федерация Кенгаши биносида деярли барча танийди. Каттаю кичик қўлини кўксига қўйиб саломлашади. Телевизорда кўриб қолишса, «Ўзимизнинг Маҳмуда опамиз-ку», дея оила аъзоларию яқинларига унинг фазилатларини айтиб фахрланишади.

Маҳалласида маърифатли оилада туғилиб, камолга етган. Узоқ йиллар Ўрта Осиё темир йўллари бошқармасида масъул лавозимда ишлаган отаси Нуриддин Обидов адабиёт ва санъатни севиб, қадрлайдиган маърифатли киши эди.


Маҳмуда она бир умр отасининг ана шу ўғитига амал қилиб яшаб кам бўлмади. Мактабда директор бўлди. Тошкент Давлат 2-тиббий институтига ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида, Ўзбекистон телевидениесида, хуллас, қаерда, қай лавозимда ишлаганини, одамларга яхшилик қилишини чарчамади. Инсонга наф келтиришни

Кумкўрғон туманида 3285 нафар ўқитувчи меҳнат қилаётган 70 та ўрта умумтаълим мактабиде 33 минг нафардан ортиқ ўқувчи таълим-тарбия олади. Туман халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Салим Саидовнинг айтишича, аксарият ўқувчиларда чет тилларини ўрганишга қизиқиш катта.

Қалб ёлқинланса

унинг ёғдуси туфайли бошқалар йўлини топиб олади

Француз файласуфи Франсуа Волтер «Кўп тилини биллиш — битта қулфга тушадиган бир нечта қалитга эга бўлиш деган гап» деб ёзади.



Айни пайтда Мамасоат Хўжақулов 60-мактабда ҳам инглиз тили тўғрагини очиб, ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқда. Хар иккала мактабдаги у бошқараётган инглиз тилини ўрганиш тўғраги ҳамиша ўқувчилар билан гавжму. Устознинг уйда 3000 тадан зиёд инглиз тилидан оммабоп дарслик ва бадий китоб фондига эга кутубхона бор.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

ланди. Одамлар ўша даврдаги «Қизлар давраси»ни ҳамон ёрқин хотира сифатида ёдга олишади.

Яхшиликка

олий бахт деб билган нуфузли ташкилот — касабга уюшмалари унинг эзгу ниятларига канот бўлди. Ўзбекистон Таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгашида 15 йилдан ортиқ ишлаб, йўли эзгулик ва яхши ишларга эш заҳматкаш инсонларга хизмат қилди.

Матбуот анжумани

Республика иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан бири кимё саноати ҳисобланади. Аини пайтда кимёвий моддалардан фойдаланишда экологик талаблар, кимёвий моддалар, биологик воситалар ва материалларни сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, утиллаштириш ҳамда атроф-муҳитнинг аҳолининг санитар-эпидемиологик барқарорлигини таъминловчи меъёрларга риоя қилиш йигирмадан ортиқ қонун, Президентимиз, Ҳукуматимиз қарорлари, шунингдек, бошқа ҳуқуқий воситалар орқали назорат қилинади.

Истиқболли йўналишлар

Кимёвий моддалардан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш билан боғлиқ фаолият Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимиятлар, вазирлик, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлар томонидан амалга оширилади. Махсус давлат органи — Давлат кимё комиссияси республика кишлоқ хўжалигида зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши курашда қўлланиладиган минерал ўғитлар, кимёвий ҳамда биологик воситалар янги турларнинг экспертизаси, синовини ўтказиши ва рўйхатга олишни амалга оширади.

лига 150 минг куб м. дан 119880 минг куб м. камайтирилишига олиб келди. Сувдан фойдаланиш ва Чирчиқ дарёсига оқоваларни оқизишда, сув иқтисоди бўйича технологияларни жорий қилишга асосий эътибор қаратилди. Сўнгги йилларда кўрсатилган сайҳаракатлар натижаси ўлароқ қорхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятида атроф-муҳитга таъсир бирмунча қисқартирилди.

«Ўзкимёсаноат» ДАК қорхоналари «2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» дастури доирасида сезиларли ишларни амалга оширди. Мисол учун, аммиак ишлаб чиқаришнинг 1-ва 2-тозалаш цехларида мис сақловчи оқимларни йиғиш учун авария сиғимлари монтаж қилинди. «Максам Чирчиқ», «Навойазот» ва «Фарғонаазот» ОАЖларда азотли ташламаларини қисқартириш (тоза ривожланиш механизми асосида) лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилди. Бу 2008 йилдан 2012 йилгача бўлган давр мобайнида азотли ташламаларни 3.6 млн. тоннага қисқартириш имконини берди.

«Аммофос Максам» ОАЖда олтингургурт кислотасини ишлаб чиқариш цехи реконструкция қилинди. Иссиқлик алмашинуви бўйича абсорбцион қозон ўрнатилди. Пировардида атмосфера ҳавосига кўтариладиган олтингургурт оксидлари миқдори йилига 10 тоннага қисқарди.

Жорий йилда 95 дона автотранспорт воситаларини газ ёқилгисига ўтказиш режалаштирилган. Аини вақтда 611 та автотранспорт воситаси газ ёқилгисига мослаштирилиб қайта жиҳозланди (бу умумий автотранспорт воситаларининг 42 фоизи демакдир). «Ўзкимёсаноат» ДАК қорхоналари бўйича шу йилнинг ўтган 9 ойи давомида атроф-муҳитни ифлослантириш ва чиқиндиларни жойлаштириш учун компенсацион тўловлар 69.43 млн. сўмини ташкил қилди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республика Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда «Ўзкимёсаноат» акциядорлик компанияси «Кимё саноати, экологик хавфсизликнинг замонавий аспекти» мавзусида ўтказган матбуот анжуманида шулар ҳусусида сўз юритилди.

Унда тегишли вазирликлар раҳбарлари, вакиллари, эколог-мутахассислар иштирок этди. Тадбир сўнггида Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда БМТнинг Ўқув ва илмий-тадқиқот институти (ЮНИТАР) ҳамкорлигида Кимёвий моддаларни оқилона бошқариш учун интеграцияланган миллий дастури ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикасида кимёвий моддаларни халқаро бошқаришда стратегик ёндашуви амалга ошириш лойиҳаси доирасида чоп этилган ёзувчи Раим Фарҳодийнинг «Кимёвий олам. Нохуш нарсадан янши нарсаларни бунёд этамиз» номли китоби тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Нуфузли ташкилотимиз ўрни халқ орасида деб билади ва бошланғич ташкилотларни қасаба уюшмасининг қон томирлари, дея унинг нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратади.

аёллар манфаатини кўлаб, уларни аъзоликка жалб этиш учун музокара олиб боради. Бу ҳақда кенгаш йиғилишида маъруза қилди. Хуллас, нафақат қасаба уюшмаси, балки унинг қошидаги кенгашимиз фаолиятини йўлга қўйишда Маҳмуда оланинг тажрибаси ва кўйинчаклиги қўл келмоқда.

Одамлар нафақат қасаба уюшмаси тизимида, балки Дўмбиробод маҳалласида ҳам эҳтиромга сазовор фаол аёллардан. У маҳалла аёлларини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оилавий спортни ривожлантириш орқали соғлом турмуш тарзини қарор топдириш, хуллас, жамиятда ҳар томонлама соғлом маънавий муҳитни яратиш орқали оилалардаги оқийишталарни таъминлашда ўзини масъул сезади.

Шошилиб яшанг


нинг жамиятдаги нуфузини ошириш, меҳнат фаолиятини бола тарбияси билан қўшиб олиб бориши, қўйинги, ишловчи аёллар, айниқса, ёш оналарнинг қонуний ҳақ-уқуқларини ҳимоялаш, мавжуд қонун ҳужжатларида уларга берилган имтиёزلарни жамоа шартномаларида акс эттиши ва бажарилишини назорат қилишдан чарнамайди.

Гап айланиб шахсиятига таъқалганда ҳам кўпроқ атрофдагилар, дўсту ҳамкасблари ҳақинда сўзлайди: «Ана шулар билан бағрим бутун, юзим ёруғ», дейди ҳамиша.

фарзандлар камолини тарбияси учун масъул бўлиб, ҳақиқий оила фахрига эришган аёл. У ҳамиша фарзандларига бир гапни уқтирарди: «Одамнинг юраги меҳр-муҳаббатга тўла бўлса, ҳалол яшаса, узок умр кўради. Қалбида меҳр ўти Учинчи билан одамнинг умри ҳам тугайди. Шунинг учун ҳамиша тўғри яшанглар. Оллоҳ дунёни ҳам, одамларни ҳам яхшилик ва меҳр-муҳаббат учун яратган. Яхшилик қилган бандасини аввал Оллоҳ севади, сўнгра элга севади қилади».

ЯНГИОБОДНИНГ ЯНГИ ҚОРХОНАСИ  
Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани Янгиобод маҳалласида «Osiyo to'quv prestij» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Замонавий тўқиш дастгоҳлари билан жиҳозланган қорхонада кунига 14 мингтагача қоп тайёрланадиган маҳсулот истеҳсол қилинади.

Суратда: жамият ишчиси Парда Эргашов. Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат



Истеъмолчи ҳамиша ҳақ

Оқтошлик Муҳаббат Доноева дўкондан 300 минг сўмга қўл телефони сотиб олди. Аммо қурилма икки кун ишлатилмасдан ярқисиб қолди. М. Доноева дўконга бориб, телефонни алмаштириб беришни сўраганида талаби рад этилди. Натижада, у Нарпай тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат этишга мажбур бўлди. Жамият ходимлари аралашуви билан вазият истеъмолчи фойдасига ҳал этилди.

25 минг сўмга йиртиқ туфли

— Афсуски, бозор ва дўконларимизда истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатлари тез-тез учраб турибди, — дейди жамият етакчи мутахассиси Раъноҳон Норбоева. — Кун кеча Мирбозор қўрғонидаги бозорда юз берган ҳуқуқбузарликни бартараф этдик. Аликул Тўрақулов дўкондан 25 минг сўмга янги туфли харид қилганлиги, аммо пойабзал бир ҳафтага етмай, ярқисиб қолганлиги билан шикоят қилган. Бунинг устига, сотувчи фуқаро билан қўпол муомалада бўлган. Бирок савдо ходимига мамлакатимизда амал қилаётган истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя этувчи қонунлар тушунтирилган, у истеъмолчидан уэр сўраб, 25 минг сўмни қайтариб берди. Бундан ташқари, жамиятимизга коммунал тўловларнинг нотўғри ҳисобланиши, умуман ушбу соҳа билан боғлиқ кўплаб шикоят ва тақлифлар келиб тушди. Мисол учун, яқинда «Қозоёқли» маҳалла-

Ҳуқуқий ҳимоя

Самарқандлик Хумора Нормаматова Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашига вилоят Суд-тиббий экспертиза бюроси Суд-тиббий экспертиза бюроси Суд-тиббий томонидан унга босим ўтказилиб, ишдан бўшаш ҳақида ариза ёздириб олингани ҳамда 2013 йил 8 октябрдан меҳнат шартномаси бекор қилингани тўғрисида шикоят билан мурожаат қилди. Х. Нормаматова шикоят хатида 2-гурӯх ногирони бўлган онасининг ягона боқувчиси эканлигини таъкидлаб, ўз ишига қайта тикланишида ёрдам беришни сўраган.

Ишга тикланди

Маълум бўлишича, у 2008 йил 5 ноябрдан Самарқанд вилояти Суд-тиббий экспертиза бюроси амбулатория ва морфология бўлимида ҳамшира-вазифасида ишлаб келган. Унинг мурожаати юзасидан қасаба уюшмаси ҳуқуқшунослари ҳамда Бюро бошлиғи Амриддин Умаров ўртасида кечган музокаралар чоғида бошлиқ ходимини ариза ёзишга мажбурламагани, Х.Нормаматованинг ишида қатор камчиликлар борлиги, шу тўғрисида ариза асосида қўриқариш кўрсатмасини берганини, лекин онаси 2-гурӯх ногирони эканлигини билмагани, Х.Нормаматованинг шахсий ҳужжатларида бундай маълумотлар йўқлигини айтди.



Истеъмолчи ҳамиша ҳақ

Бундан ташқари, ходимини ишдан бўшатишда мамлакатимиз меҳнат қонунчилигининг қатор талаблари бузилганлиги аниқланди. Жумладан, аризани мажбурият ёздириш ҳолати тасдиқини топди. Чунки, Меҳнат кодексининг 99-моддаси 5-қисмида Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза у ўз ишини давом эттиришининг имкони йўқлиги (ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйилган лавозимга сайланганлиги ва бошқа ҳоллар) билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиш имконини белгиланган. Х.Нормаматованинг ариза билан бўлиши учун асос бўлмаган. У ишлатган икки (Амбулатория ва Морфология) бўлим мудирларидан розилик олинмаган. Ваҳоланки, бундай ҳолатда, иш жойи буш қолмаслиги ва бўлимлар ишига салбий таъсирининг олдини олиш мақсадига, бевосита ходим меҳнат қилаётган бўлим мудирларидан розилик олиниши зарур эди. Шунингдек, Х. Нормаматова билан меҳнат шартномасини бекор қилишда Иш берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 97-, 99-, 107- ва 108-моддалари талаблари қўпол равишда бузилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, МҚКнинг 9-моддаси 2-қисми 2-банди, «Ўзбекистон Республикаси Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддаси 1-қисми ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг «Қасаба уюшма ташкилотларининг юридик ҳимоя тўғрисида»ги Низомига асосан Самарқанд вилояти СТЭБ бўлимига «Меҳнат қонунчилигида йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш тўғрисида»ги Тақдимнома киритилди. Унда ҳамшира Х. Нормаматовани ўз ишига қайта тиклаш, мажбурий бекор юрган қунари учун ҳақ тўлаш, меҳнат дафтаридаги тегишли ўзгаришлар киритиш, амалга оширилган ишлар тўғрисида бир ҳафта ичида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашига ёзма маълумот бериш талаб қилинди.

Натижада, ходим ва қасаба уюшмаларининг барча қонуний талаблари қондирилди.

У.АБДУРАҚУМОНОВ, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши бош юриконсулти

Молия муассасаларида

Тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан рақобатбардор ва харидор-ғир, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиб, янги иш ўринлари яратилмоқда.

Ишончли ҳамкор

Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманининг олис ва чекка овулларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда «Агробанк»нинг Бўстон бўлими аҳамиятга молик ишларни амалга оширмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорларга 2 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди. «Гулдурсин» овул фуқаролар йиғини ҳудудидида «Сўҳроб-Зохид» хусусий қорхонаси банкнинг 150 миллион сўмлик кредити

ти ҳисобидан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада, қўшимча ўндан зиёда янги иш ўрни яратилди. Интенсив боғлар яратиш, янги тоқорлар барпо этиш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш мақсадида оилавий бизнес субъектларига 1 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилгани ҳам соҳа ривожини муҳим омил бўлаётди.

Амина КОДИРОВА, «Ishonch» мухбири

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 227-таълим мактаби томонидан Қурамбоева Севара Мирсабитовнага 1996 йил 14-июнда берилган №236851 рақамли таълим маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ташаббуси билан туман маънавият тарғибот маркази, ФХД, «Нуроний» жағфармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ходимларидан ташкил топган Тарғибот гуруҳи бир неча йилдан буён намунали иш олиб бормоқда.

Улар мактаб, коллеж, академик лицей ҳамда корхона, ташкилотларда бўлиб, диний экстремизм, одам савдоси, ёшларни турмушга тайёрлаш ва бошқа ижтимоий масалалар бўйича суҳбатлар ўтказмоқда.

Суратда: Меҳнат фахрийси Манзураҳон Ҳақимова коллеж ўқувчилари билан «Эрта турмушга чиқишнинг салбий оқибатлари» мавзусида суҳбатлашмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат

## Тадбир

Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармаси тасарруфидоги умумтаълим мактабларида ўзбек тилини янги педагогик усуллардан фойдаланган ҳолда ўқитиш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

## Она тили ойлиги

Жумладан, Яққасарой туманидаги 73-умумий ўрта таълим мактабида октябр ойида «Она тили ва адабиёт фанлари ойлиги» ўтказилаётди. Мазкур фан ойлигида ўқитувчилар М. Абдурахмонова, Д. Алимжоновалар томонидан ўтказилаётган очик дарс ва қўшимча тадбирлар таълим сифатини оширишга хизмат қилапти. Шунингдек, 21 октябр — ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 24 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида «Она тили — миллат руҳи» мавзусида тантанали тадбир ташкил этилди.

Мазкур тадбир доирасида ўқувчиларнинг «Фафур Фулом уй-музейи»га саёҳати уюштирилди.

Ўз муҳбиримиз

## ВЕЛОСПОРТ

Пойтахтимизда велотрек бўйича эркеклар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати баҳслари якунига етди. Сирдарё, Наманган, Тошкент вилоятлари ва пойтахтлик эликдан ортиқ велоспортчи иштирок этган мазкур чемпионатда бир неча йўналишда ғолиблар номи аниқланди.



Руслан Фёдоров ҳамда Роман Дронин, эркеклар ўртасида Кейрин пойгагида эса Владислав Галинов шохсуланинг биринчи поғонасига кўтарилди.

Алена САПАРОВА, Ўзбекистон велоспорт федерацияси матбуот котибаси

## МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНЛАРИ

Терма жамоамизнинг етакчиси Владимир Тўйчиев 4 км.лик жамоавий ва яккалик баҳсларида ҳеч кимга имконият қолдирмаган бўлса, яна бир тажрибали спортчимиз Олга Дробишева бир йўла уч йўналиш — Гит (200 метр), Кейрин, 3 км.лик

пойгаларда ғолиб чиқди. Эркеклар ўртасида ўтказилган Гит ва спринт пойгаларида Тимур Гумеров, аёллар ўртасида Алла Безуглова (спринт) финиш чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди. Жуфтликлар иштирок этадиган Медисон пойгаларида

## ШАХМАТ



Сўнги йилларда юртимизда шахматта катта эътибор берилмоқда. Пойтахтимизда эркеклар ва аёллар ўртасида ташкил этилган Гран-при турнирлари, мамлакатимизда доимий равишда ўтказиб келинаётган турли мусобақалар ёш шахматчиларимизнинг халқаро майдонларда ўзини намойиш этиши йўлида муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

## ЖАҲОНГИР — ҒОЛИБ

Душанбе шаҳрида шахмат бўйича учинчи бор ташкил этилган Марказий Осиё кубоги мусобақалари ҳам биз учун қувончли тарзда якунига етди. Ўн саккиз ёшли вақилимиз, халқаро спорт устаси Жаҳонгир Воҳидов тўққиз партияда етти

очко жағғариб, биринчи ўринни кўлга киритди. Сўнги турда яна бир шахматчимиз Алексей Барсов билан дуранга имзо чеккан Жаҳонгир халқаро гроссмейстер талабларини тўлиқ бажарди. Эндиликда у рейтинг очколарини тўпласа кифоя.

## БОКС

Авал хабар қилганимиздек, Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида ташкил этилган жаҳон чемпионати давом этмоқда. Мусобақада боксчиларимиз зафарли одимларини давом эттирмоқдалар.



Ўйинлари ғолиби Ҳасанбой Дустамов (-49 кг.) ботс-ванали рақиб Мукетси Лекхетони мағлубиётга учратди. Азизбек Абдуғуфоров (75 кг.) эса иккинчи жангда ҳам ғалаба нашидасини сурди. У тожикистонлик Навруз Жафоевни катта устунлик билан енгди.

91 кг.дан ортиқ вазнда ғолиблик учун курашаётган вақилимиз Мирзоҳиджон Абдуллаев Йохан Линде (Австралия) устидан ғалаба қозониб, кейинги боксчи масаласини ҳал қилди.

## ЗАҒАРЛИ ОДИМЛАР

81 кг. вазн тоифасида рингга чиқайтган Осиё чемпиони Ойбек Мамазулов дастлабки жангини мўғулистонлик Эрдэнбаяр Сандагсуренга қарши ўтказиб, ўқори савиядаги чарм кўлқоп устаси эканини исботлади. У тажрибали рақибини катта устунлик билан енгди. Ваҳоланки, мўғулистонлик боксчи дастлабки боксчидаги жангда кучли рақиб — америкалик Жеремас Торресни учинчи раундда нокаутга учратиб, Ойбек учун жиддий рақиб эканини намойиш этганди.

Икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев ва Осиё ўйинлари ғолиби Элшод Расуловнинг терма жамоага жалб қилинмагани туфайли таркибининг энг тажрибали вақилига айланган Фазлидин Ғойибназаров жамоадошларига ҳар томонлама ўрнат бўладиган даражада жанг ўтказди. Мусобақани иккинчи даврано бошлаган ҳамюртимиз АҚШ терма жамоаси аъзоси Кеннет Смитга ҳеч қандай имконият қолдирмади. Жаҳон универсиадаси

## ТЕННИС

Москва шаҳрида якунига етган «Кремл кубоги» халқаро турнирида ҳамюртимиз Денис Истомин жуфтлик беллашуварларида Михаил Елгин билан ҳамкорликда ғалаба нашидасини сурди.

## ИСТОМИННИНГ ПАРВОЗИ



Чорак финалда Алекс Богомолов (Россия) ва Дуди Села жуфтлигини мусобақадан чиқариб юборган Истомин ҳамда Елгин ярим финалда Рамз Жунайд (Австралия) ҳамда Филипп Маркс (Германия) жуфтлигига тўқнаш келди. Бир соат ўн олти дақиқа давом

этган учрашув иккала жуфтлик учун ҳам оғир кечди. Якуний ҳисоб — 5:7, 6:3, 10:5 — бизнинг фойдамизга.

Ҳал қилувчи беллашувада Кеннет ва Нил Скупски (Буюк Британия)ни 6:2, 1:6, 14:12 ҳисобида енгган Денис Истомин ҳамда Михаил Елгин жуфтлиги мусобақа ғолибига айланди.

## БАДИЙ ГИМНАСТИКА

Берлин шаҳрида (Германия) бадий гимнастика бўйича якунига етган Гран-при турнирида вақилимиз Жамила Раҳматова кумуш медал совриндорига айланди.



роқ этиб, кучли олтиликдан ўрин олди. Бу унга муҳим рейтинг очколарини тақдим этди.

## КУМУШЛИ ЖАМИЛА

Истеъдодли спортчимизнинг тасма ёрдамида намойиш этган композицияси ҳақамлар томонидан

16,933 баллга лойиқ кўрилди. Бундан ташқари, Жамила тўп билан машқ бажаришда ҳам финал боксчида ишти

## МУЗ УСТИДА ХОККЕЙ

Яқинда фаолиятини бошлаган «Бинокор» хоккей жамоаси жорий йилнинг 25-27 октябр кунлари Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтказиладиган халқаро турнирда ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

## «БИНОКОР» ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Халқаро турнирда, шунингдек, Қозоғистоннинг «Енбек» ва «Беркут» (Олмаота) ҳамда Қирғизистоннинг «Алоотто Дордой» жамоалари ҳам ғолиблик учун кураш олиб боради.

— Ушбу халқаро турнир биз учун дастлабки ҳисобланади ва мусобақада муносиб иштирок этиш учун жиддий ҳозирлик кўрдик.

Қозоғистонга йигирма хоккейчимиз йўл олади. Жамоамиз турнирда фақат ғолибликни мақсад қилган ва насиб этса, юртимизга бош совринни кўлга киритган ҳолда ёруғ юз билан қайтамыз, — деди жамоамиз сардори Алишер Азимов.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» муҳбири

## Билиб қўйган яхши

Шарқ табобатида мўмиё доривор модда сифатида уч минг йилдан буён маълум. Ундан шифобахш дори сифатида Марказий Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Хитойда кенг қўлланиб келинган. Мўмиё Марказий Осиё тоғли ҳудудларида 3000 метр баландликда учрайди.



У табиат томонидан бизга асл ҳолда инъом этилган, қай йўсинда ҳосил бўлиши борасида эса аниқ маълумот йўқ. Баъзилар турли хил ҳайвон, ўсимлик маҳсулоти деб атаса, баъзилар нефт маҳсулоти, айримлар эса арча ширасидан ҳосил бўлади, дейишади. Бироқ бу тахминлар илмий жиҳатдан тўлиқ исботланмаган.

Ривоят қилишларича, Эрон шоҳи Фаридун лашкар-босилари билан ов қилиш учун тоққа йўл олади. Овчилар тоғ ёнида жайронга дуч келиб, ўқ узади. Уқ жайроннинг белига санчилади. Бироқ, у йиқилмай, жон ҳолатда қоча бошлайди. Подшоҳ ва унинг ҳамроҳлари жайрон кетидан қувлаб, яна ўқ отадилар. Бир неча ўқ жайроннинг оёқларини тешиб ўтади. Оғир яраланган жонивор тоғнинг энг баланд чўққисига чиқиб, қоронғу гор бағрида ғойиб бўлади.

Бир неча ҳафтадан кейин овчилар яна ўша тоғ ёнидан ўтадилар. Улар бели ва оёқларига ўқлар санчилиб қолган таниш жайронга йўлиқишади. Овчилар уни тутиб, қўздан ке-

чиришса, ўқ жароҳат етказган жойлар битган, яра устида эса ялтироқ нарсалар ёпишиб турарди. Жайрон яширинган горга бориб, шундай қора модданинг жуда кўплигини кўрадилар. Уни йиғиб, шаҳарга олиб кетадилар. Шоҳ Фаридун бу фалати моддани текширишни энг улғў ҳақимларга топшира-

қан, синган, йиқилган ва урилгандаги оғриқларга қарши ичилса ва суртилса фойдалидир. Бошнинг бир томон оғриғи ва айланмишига фойда қилади. Қулоқдан йиринг оқишига қарши бир арпа дони микдорига олиб, гул ёғи ва узум гўрасининг суви билан қўшиб, илқ ҳолда ишлатилади. Йўталганда чилонжийда ва арпа суви билан уч кун кетмакет наҳорга ичилади.

Шуни ҳам қўшимча қилиш керакки, мўмиё ҳикичоққа қарши петрушка уруғининг қайнатмаси билан ичилади. Пешоб йўлидаги ва қовуқдаги яралар учун фойдалидир. Бу касалликларда мўмиё сут билан истеъмол қилинади. Чаён қаққан жойга сариёғ билан суртилади. Шунингдек, у қон томирлари

деворларининг ўтказувчанлигини оширади, хасталикларнинг олдини олади. Мўмиё, айниқса, қўйган тегрига, синган суякка беқийс даводир. Бунда у бириктирувчи туқималарнинг фаолиятини ўйғунлаштиради ва бемор тез кунда тuzалади. Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яралари, юқумли касалликларни даволашда ҳам қўл келади. Лекин шуни ёдда тутиш керакки, мўмиё фойдали экан деб, пала-партиш, кўп истеъмол қилиш ярамайди. Хар нарсанинг мевьери бўлгани каби мўмиёни қўллашни ҳам билиш керак. Уни қўллашдан аввал, албатта, шифокор маслаҳатини олиш мақсадга мувофиқдир.

Мўмиё тананага, айниқса, юракка қувват бахш этади. Заҳарланганда, меъда-ичак, бўғим, суяк оғриқларида, ду-дукланишда наф беради. Юқори нафас йўллари касалликлари, диққинафас, ангина, қон туфлаш, ҳазм қилиш йўллари, буйрак, қовуқ, жигар каби аъзоларни даволашда қўлланилади.

Абу Али ибн Сино мўмиё ҳақида шундай ёзади: «Чик-

сарик-қўнғир, ялтироқ бўлади. Таъми аччиқ ва ўзига хос ҳидга эга. Ўз кучини 40 йилга қақшаши мумкин. Мўмиёнинг таркиби органик моддалар, алюминий, темир, титан, калий, қўрғошин, магний, калий, натрий, стронций, бериллий, ваданий, кумуш, висмут, кобальт, хром, молибден, углевод, рух, азот каби элементларга бой.

Мўмиё танага, айниқса, юракка қувват бахш этади. Заҳарланганда, меъда-ичак, бўғим, суяк оғриқларида, ду-дукланишда наф беради. Юқори нафас йўллари касалликлари, диққинафас, ангина, қон туфлаш, ҳазм қилиш йўллари, буйрак, қовуқ, жигар каби аъзоларни даволашда қўлланилади.

Абу Али ибн Сино мўмиё ҳақида шундай ёзади: «Чик-

## «Янги авлод — 2013»

Бухоро вилоятида «Янги авлод — 2013» болалар ижодий фестивалининг туман ва шаҳар босқичлари ўтказилмоқда.

## Истеъдодлар сараланмоқда

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағфармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу тадбирда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган истеъдодли ёшлар иштирок этмоқда.

Танловнинг Когон шаҳри босқичида бир юз эликдан ортиқ ёшлар қатнашди. Улар олти йўналиш бўйича ўн беш жанрда — классика, торли, зарбли ва пуфлаб чалинадиган мусика асбоблари, миллий рақс санъати, вокал, анъанавий, академик, эстрада ҳамда фолклор ижрочилиги, тасвирий санъат бўйича гуруҳларга бўлиниб, ўзаро бахшлашди.

Фестивал якунида 22 нафар яққа қатнашчи ва 5 жамоавий ижрочи эътироф этилиб, вилоят босқичига йўлланма олди.

ЎЗА



Рассом хандаси

Рассом: Баҳром ҲОҶИЕВ

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan. ISSN 2010-5002. Gazeta o'set usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev. Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadiyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib). Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73. Viloyatdagi muxbirlar: Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00. Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chas, 24-uy. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. Navbatchi muharrir: B. Rizayev. Navbatchi: U. Ibodinov. Musahih: S. Shodiyeva. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullayev. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buxoro» ko'chas, 41-uy. E-mail: ishonch2012@gmail.com. Buyurtma 1 — 1011 13821 nusxada bosildi 1 2 3 5